
РИШТОНДА ВИЛОЯТ УЧТА СЕКТОРИ РАЎБАРЛАРИ ҲАМДА ВИЛОЯТДАГИ БОШ ВАЗИР ҚАБУЛХОНАСИ МУДИРИ ИШТИРОКИДА ТАДБИРКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ

Бош вазирнинг Фарғона вилоятидаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси ташаббуси билан жорий йилнинг 5 ноябрь куни вилоят прокурори Бахтиёржон Исмоилов, вилоят ИИБ бошлиғи Дониёр Тошхўжаев ва вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Шукурулло Нисбатхонов ҳамда вилоятдаги Бош вазир қабулхонаси мудир Иброҳим Турғунов Риштон туманидаги мусиқа мактабида сайёр қабул ўтказишди. Қабулда туман ҳокими Суфҳонжон Солиев, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Вилоятнинг Риштон, Бағдод, Бувайда ҳамда Учкўприк туманларида фаолият олиб бораётган тадбиркорларни ҳамда ўз ишини ташкил этишни режа қилаётган ташаббускорларни таклиф этган ҳолда ўтказилган қабулда банк кредити олишга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ёки йўлга қўйиш учун ер майдони ва бўш бино-иншоотлар ажратилишида ёрдам бериш, солиқ тўловлари билан боғлиқ енгиллик тақдим этиш ҳамда тадбиркорлик билан боғлиқ бошқа масалаларни қамраган 90 дан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилди.

Кўплаб мурожаатлар қабул давомида ҳал этилди, ечими муддат талаб этадиган мурожаатлар назоратга олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-11-05 17:12:20